



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 3 декабрь, шанба

№ 96 (11.795)

Эркин нарҳда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 декабрь кун Оқсаройда Россиянинг "РУСАЛ" компанияси директорлар кенгаши раиси Олег Дерипаскани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасида тузилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини, хусусан, икки томон ишбилармонлари учун янги имкониятлар очишини қайд этди.

2000 йилда ташкил топган "РУСАЛ" компанияси алюминий ишлаб чиқариш бўйича хажондаги кучли уқликка кирувчи ягона хусусий саноат мажмуидир. Дунёда ишлаб чиқариладиган жами алюминийнинг ўн фоизи "РУСАЛ" ҳиссасига тўри келади. Компания ўз фаолияти давомида 12,7 миллион тонна алюминий оксиди, 12,6 миллион тонна хомаки ишлов берилган алюминий хом ашёсини ишлаб чиқарган. Унинг 2004 йилдаги

соф фойдаси 5,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. "РУСАЛ" Тожикистоннинг Хатлон вилоятида ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннага тенг янги алюминий заводи қуришни режалаштирган. Шунингдек, мазкур компания иштирокида Тожикистон алюминий заводида икки электр-ролиз цехини ишга тушириш мўлжалланган. Бундан ташқари, компания Рогун ГЭСи қурилишини молиялаштиришни ҳам ўз зиммасига олган.

Маълумки, Тожикистон алюминий заводидан ҳавога тарқалаётган турли захарли моддалар анчадан буюн минтақамиздаги соғлиқни сақлаш, табиати муҳофаза этиш идораларини, умуман, кенг жамоатчиликни ташвишга солиб келмоқда. Завод тарқатаётган оғудан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти аҳолиси ҳам азият чекаётгани сир эмас.

Вазият билан яқиндан та-

нишиш мақсадида мамлакатимизга келган О.Дерипаска Сурхондарё вилоятида ҳам бўлди. Президентимиз билан сўхбат чоғида у экологик хавфсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш "РУСАЛ"нинг бош мақсади эканини, компания беш йил давомида табиат муҳофазасига қаратилган тadbирлар учун 173,4 миллион АҚШ доллари миқдориди маблаг ажратганини таъкидлади. Мехмон компаниянинг режаларига тўхталиб, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматларининг, халқаро экспертларнинг хулосасини олмасдан туриб бундай катта лойиҳаларга қўл урмаслигини, халқаро андозалар бўйича иш юритилиши алоҳида қайд этди.

О.Дерипаска минтақадagi экологик вазият билан танишиш учун яратилган имконият ҳамда самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда Ўзбекистон қорхоналари билан "РУСАЛ" ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Э.Шайховни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Алишер Эркинович Шайхов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 декабрь.

## Вилоят ҳокимлигида

## ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Тошкент вилоятининг ҳокими, вилоят ҳудудий комиссиясининг раиси Мирзамашраб Кучичев бошқарди.

Йиғилишда ҳудудий комиссия аъзолари, вилоят нazorat идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссияларининг раислари, уларнинг котиблари иштирок этишди.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бўйича амалга оширилган ишлар, Бекобод шаҳар ҳудудий комиссиясининг текширишлари тартибга солиш борасидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, Бўстонлик туман

ҳудудий комиссияси томонидан фармоннинг бажарилиши, Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология нazoratи маркази ва вилоят ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси томонидан текширишларни ташкил этиш чоғида қонун ҳужжатларига амал қилиниши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Таъкидландики, вилоят ҳудудий комиссияси Фармон талабларини бажариш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Аввало, шу йилнинг тўртинчи чорагидаги текширувлар режа-жадвалига киритилган ҳужжат субъектлари таҳлил қилиб чиқилди. Натижада текширувлар ўтказиш мўлжалланаётган қорхона ва ташкилотларнинг ҳар учинчиси режа-жадвалидан

чиқарилди. Фармон талабларини тadbиркорлик қатламларига етказишга алоҳида эътибор қаратилиб, Зангиота ва Бўка туманлари, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарларида семинар-учрашувлар ўтказилди.

Шу билан бирга муҳокама чоғида бу борада бир қатор камчилик ва нуқсонлар юз бераётгани кўрсатиб ўтилди. Чунинчи, 10 ноябрдага ўтказилган ўқув машғулотларига тadbиркорлик субъектларининг 19 фоизигина жалб қилинган, холос. Бу борада, айтилди, Бўстонлик туманда бирмунча фол ва самарали иш олиб борилган. Лекин Юқоричирчиқ, Чиноз туманлари ва Ангрэн шаҳрида юзакчилик ва эътиборсизликка йўл қўйилмоқда. Шаҳар ва туман газеталари саҳифаларида ҳам бу масала сўб ёритилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Бекобод шаҳар ҳудудий комиссияси фаолиятида ўзибуларчилик айниқса, кучли эканлигига йиғилиш ишти-

рокчиларининг эътибори жалб қилинди. Таъкидландики, шаҳар ҳудудий комиссияси текширувлар самарадорлигини ошириш, тadbиркорлик субъектлари фаолиятига асосий аралашиларининг олдини олиш, нazorat органлари фаолиятини ўрганиш ва муҳокама қилиш масалалари билан етарли шугулланмайд.

Қун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш чоғида режа-жадвалини ишлаб чиқишдаги ноаниқликлар, белгиланган текширувларни ўтказилмай қилиш холлари, ўзаро аҳборот беришдаги нуқсонларга барҳам бериш, текширувларни ўтказувчи ходмилар масъулиятини кучайтириш талаб қилинди.

Вилоят ҳудудий йиғилиши тегишли қарорлар қабул қилиб, нazorat қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи шаҳар ва туман ҳудудий комиссияларининг янги таркибларини тасдиқлади.

## Танлов



СУРАТДА: Вилоят босқичи ғолибалари.

Оталар эркаси,

оналар бахти,

Ватанининг севгани,

дугона қизлар,

Сиз билан шеъримнинг

рубоби янграр,

Сиз билан гўзалдир

замона, қизлар.

## ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ ЛОБАР ҚИЗЛАРИ

Мукофотига тавсия этилган номзодларни саралаш вилоят яқиний босқичи бўлиб ўтди.

Шу кунга қадар мамлакатимизнинг бир қатор истеъдодли қизлари ушбу мукофот билан тақдирландилар. Жумладан, вилоятимизнинг олти нафар қизлари — ўртачирчиқлик Рўхсора Тўлабоева, паркентлик Гулноза Турғунбоева, Тошкент Давлат аграр университети толибалари

Мастура Умарова, Екатерина Аблаева, Паркент туманидан Шаҳноза Шожалилова, Қибрай туманидан София Бекмагамбетовалар адабиёт, фан ва таълим йўналишлари бўйича ана шу юксак мукофотга муносиб деб топилганлари бу танловнинг аҳамиятини янада оширади.

Мана, олти йилдирки, вилоятимизнинг энг иқтидорли қизлари беш йўналиш — ада-

биёт, санъат, фан, таълим ва маданият соҳаларида илмий ва ижодий изланиб, юксак мукофот соҳибаси бўлишга интилоқдалар. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, суоқли шоирамиз номи билан аталувчи Давлат мукофотининг соҳибаси бўлиш ғоят шарафлидир. Чунки, дунёнинг ҳали ҳеч бир мамлакатиди

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(биринчи кун)

2005 йил 2 декабрь кун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Мажлиса Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишди.

Қун тартибига мувофиқ парламент юқори палатаси аъзолари ишни Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджетини муҳокама этишдан бошладилар. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи

ўринбосари Б.Ашрафхоневнинг маърузаси тингланди. Маърузачи таъкидлаб айтдики, 2006 йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган устуворликлар асосида тайёрланган. Шу билан бирга Давлат бюджети мамлакатимиз иқтисодийетини ислоҳ қилиш-

нинг устувор вазифаларига мувофиқ келади. Мазкур бюджет иқтисодийетини янада эркинлаштиришга, ижтимоий йўналтирилган бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга кўмаклашадидеб мўлжалланмоқда.

Хусусан, 2006 йилда банк ва молия тизимларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий сектор жадал ривожлантирилишини таъминлаш, унинг мамлакат иқтисодийетидидаги улушини кўпайтириш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантиришга, уй-жой-коммунал хўжалигини яхшилашга доир ишлар қўламлирини кенгай-

тириш назарда тутилмоқда. Таъкидлаб ўтилдики, Давлат бюджети мақтаб таълимини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ерларини мелiorациялаш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмаси ҳамда коммуникацияларини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга зарур маблағлар ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, инсонпарварлик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 10-бандига ва 93-моддасининг 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан кейин Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эътиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган

бўлсалар, жазони ўташдан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқинлик қилмаган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бун-

дан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Жазони ўтаётган, бироқ мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор — ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаятган шахсларга; тақиқланган таш-

килотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибидида жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 4 ва 5-қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно.

8. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф. МУХИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 декабрь.

## ЦИРҚДА КОНЦЕРТ

Яқинда пойтахтдаги цирк биносида халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаларининг вилоят кўмиталари томонидан Конституция кунига бағишланган тadbир ва катта концерт ташкил этилди.

Унда халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар, эришилган ютуқлар ҳамда келгусидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, таниқли санъаткорлар ижросидаги байрам концерти иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Сайёра ЭШМАТОВА.

## МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Чиноз туманида соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар таҳлиliga бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ўз ечимини қутаётган масалалар, хусусан, шоилич тез тиббий ёрдам хизмати сифатидан аҳоли норози бўлаётгани, юқумли касалликларнинг кўпайгани ва бошқа жиддий нуқсонлар йиғилганлар эътиборига хавола этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Ўз мухбиримиз.

## ТЕНДЕР ШАРТЛАРИ ЖИДДИЙ

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида 2006 йил умумийлиий давлат дастурига киритилган мактабларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш бўйича тендер савдолари бўлиб ўтмоқда.

Дастурга асосан келгуси йилда 80 та умумтаълим муассасаси капитал таъмирланиши ва реконструкция қилиниши, шунингдек, аксарияти қайта қурилиши режалаштирилган.

Танловларда ўз тақлифлари билан иштирок этаётган қурилиш ташкилотлари тендер комиссияси таркибидидаги ишчи гуруҳи томонидан қайта ўрганилмоқда. Мақсад қурилиш объектларини ишончли бунёдкор ташкилотларга бериш, мактабларни ўз вақтида фойдаланишга топширишдир. Раъшан РУСТАМОВ.



Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 11 columns representing TV channels (ДУШАНБА 5, СЕШАНБА 6, ЧОРШАНБА 7, ПАЙШАНБА 8, ЖУМА 9, ШАНБА 10, ЯКШАНБА 11) and rows for various programs like 'Ўзбекистон 1TV', 'ЁШЛАР', 'ТОШКЕНТ', and 'СПОРТ'.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЖРАТЛОВИ ШАХСАТИ

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАР ОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» savdolar zalida ўtkaziladigan navbatdagi ochiq auksion savdolariga taklif etadi. Сизларни 2006 йил 3 январь соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Открытое акционерное общество «Чирчиксуд», находящееся по адресу: город Чирчик, проспект 3. Бобура, решением хозяйственного суда Ташкентской области от 22.11.2005 года по делу № 4952 признано банкротом и в отношении ОАО «Чирчиксуд» открыто ликвидационное производство.

